

ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ ДАВЛАТ КАДАСТРИ



ЗАПАС




РЕЖА:

1. ГИДК ни юритишининг асосий мақсади
2. ГИДК ни юритувчи ваколатли орган
3. ГИДК ни юритишининг асосий тамойиллари ва объектлари
4. Фойдаланилган адабиётлар.

Мавзуга доир адабиётлар ва манбъалар рўйхати.

- Ихлосов.И.И. Давлат кадастрлари асослари. Ўқув қўлланма. 197-204 бет. МУНЎМУ, Тошкент, 2015.
- Д.С.Ярматова, А.Р.Бобоҷонов, А.Р.Рахмонов Давлат кадастрлари асослари. Дарслик. 46-49 бет. "Чўлпон", Тошкент, 2014.
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 415-модда
- "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 46-сон, 349-модда.
- <http://www.lex.uz/docs/916203>
- Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 ноябрдаги 499- сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Гидротехника
иншоотларининг кадастри «Гидротехника
иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикасининг Конунига
мувофик иншоотларнинг техник ҳолатини
хисобга олиш ва баҳолаш, уларнинг бехатар
ишлашини таъминлаш максадида юритилади.


Гидротехника иншоотлари кадастри иншоотнинг табиий шарт-шароитлари, жойлашган ўрни, техник, сифат ва микдор тавсифномалари, хизмат қилиш муддати, эгаси тўғрисидаги ва бошқа маълумотларни ташкил этувчи маълумотлар тизими ва ҳужжатлардан иборат бўлади.

Давлат мулки бўлган гидротехника иншоотлари, шунингдек корхоналарнинг республика ва минтақалар сув хўжалиги ва энергетика тизимига кирувчи гидротехника иншоотлари Кадастр **объекти** ҳисобланади.

Гидротехника иншоотлари кадастри
иншоотларнинг техник ҳолатини ҳар
томонлама ўрганиш ва баҳолаш, сифат ва
микдор тавсифномаларини ва фойдаланиш
даражасини ҳисобга олиш **мақсадида**
юритилади.

Маълумотларни ишлаб чиқиш, туркумлаш, саклаш, янгилаш ва объект ҳақида ахборот тақдим этиш технологиясини такомиллаштириш гидротехника иншоотлари кадастрининг **асосий вазифаси** хисобланади.

Фавқулодда вазиятларнинг пайдо бўлиш хавфини
туғдирувчи гидротехника иншоотларини қамраб
олиш




I, II, III класс бўлган, давлат мулки бўлган,
шунингдек республика ва минтақалар сув
хўжалиги ва энергетика тизимига кирувчи
гидротехника иншоотлари кадастри
«Давсувхўжаликназорат» инспекцияси
томунидан юритилади.

Мукаммаллиги III классдан паст бўлган
бошқа гидротехника иншоотлари бўйича —
иншоотларнинг мансублигига қараб
Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги
вазирлиги, Энергетика вазирлиги томонидан
юритилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ҚЎМИТАСИ



Геодезия ва
картография
миллий маркази

Умумий назоратчи



ГИС
сервер

Давлат кадастрлари ягона
тизими республика ахборот
таҳлил маркази бўлими

Лаборатория




21 та ДК бўйича мутахассислар
Таҳлили жараёни

Ўз.Р.В.М. хузуридаги
«Давсувхўжаликназорат»
инспекцияси


Ўз.Р. Сув хўжалиги
вазирлиги

«Ўзбекэнерго» АК

Гидротехника иншоотларининг (асосан гидроузеллар) сув чиқариб бериш (узатиш) имкониятига кўра классларга бўлиниши



Тўғонларнинг баландилиги бўйича классларга бўлиниши





Гидротехника иншоотлари кадастрини юритиш юкланган органлар гидротехника иншоотларининг техник холати ва хавфсизлиги устидан назорат (мониторинг)ни таъминлайдилар.